
Ёшлар қўллаб-қувватланмоқда

Бағдод туманининг "Чекхитой" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Оминахон Абдуллаева 28 ёшда. Болалиқдан иккинчи гуруҳ ногирони бўлган Оминахон ҳозирда 2 нафар фарзанднинг онаси.

У, имконияти чекланган бўлса-да, ўз ҳунари ортидан оиласи даромадига ҳисса қўшишни орзу қиларди. Аммо оиласидаги етишмовчилик Оминахоннинг орзусини ортга суриб келаётган эди.

Оминахон Абдуллаева маълум муддат аввал Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлими томонидан "Ёшлар дафтари"га киритилган эди. Бугун эса унга субсидия асосида замонавий тикув машинаси берилди.

- Мана энди, тикувчилик билан шуғулланиб, доимий даромад топиш имконига эга бўлдим. Биз ёшларни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам Президентимизга кўп-кўп раҳматлар айтаман, - дейди Оминахон.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-11-21 17:01:37